Уз навбатида сурункали қардитлар юрак чап қоринчаси ҳолатига қараб 2 хил топқага булинади: 1) юрак чап қоринчасининг ҳажми кенгайгани ҳолда асосан юрак мушаклари қисқариш фаолиятининг бузилиши билан кечадиган қардитлар (СК-1) ва 2) юрак чап қоринчаси бушлигининг қоринча деворларининг қалинлашуви ҳисобига ута торайиб қолиши натижасида диастолик буқалиш ҳолатининг кескин бузилиши билан кечадиган сурункали қардитлар (СК-II) сифатида намоён булиши мумкин.

Сурункали қардитлар узок муддат бевосита юракка боғлиқ булмаган белгилар сифатида кечади: бола усиндан орқада қолади, жисмоний заиф, тез-тез зотилжам билан оғришга мойил булиб, бу касалик унда сурункали кечади, жигар катталашади, вақти-вақти билан у хушини йукотади. Юрак фаолияти етишмовчилиги белгилари аксарият ҳолларда

вирусли ва бошқа юкумли касалликлардан кейин
чиқади. Сурункали кардитнинг 2 тури қатор узига
белгиларга эга (жадвал №5).

СК-1 ва СК-II ларнинг қиссий белги
(Н.А.Белоконь, 1977).

Жадвал

Т.С	Клиник белгилар	СК-1	СК-II
1.	Беморнинг усишдан орқада қолиши (вазни ва буйи хисобига)	Кузга қуринарли (вазни хисобига)	Хам вазни, хам бу хисобига сезилар даражада.
2.	Юрак чегараларининг кенгайиши	Купрок чап чегараси кенгайди	Юрак чап ва у чегараси қучли кенгайди
3.	Юрак учи уришининг холати	Сусайган	Кузга яққол ташланади
4.	Кукрак кафасининг юрак сохаси буртиб чиқиши	Сезиларли даражада	Сезиларли даражада
5.	Систолик шовкиннинг эшитилиши	Бугик юрак учуда яхши эшитилади.	Юрак учи ва асосида қучсиз эшитилади
6.	Юрак товушларининг хусусияти	Бугик	Юрак чуққисида I-товуш қучайган, упка артерияси сохасида II-товуш қучайган.
7.	Юрак уришининг мароми	Қупинча бузилган (аритмия)	Бузилади (аритмия).
8.	Жигарнинг хажми	Бироз қатталашади	Ута қатталашади (6-8 см ва купрок)
9.	Хансираш	Анча вақтгача юзага қикмайди	Ута қучли булади

	Терининг кукариши	Юракдан узокрок жойлашган сохалар-нинг кукариши (акроцианоз)	Терининг ранги кукимтир-саргиш булади
1.	Юрак фаолияти етишмовчилигининг ривожланиши	Дастлаб чап коринча етишмовчилиг и ривожланади	Унг коринча етишмовчилиги олдинрок ривожланади
2.	Коринда сув тупланиши ва оёкларнинг шиши	Секин юзага келади	Тез юзага келади
13.	ЭКГдаги узгаришлар	ЭКГ тишчаларининг купинча баланд булиши (аммо юрак мушакларида чандик булса ЭКГ тишчалари пасайиши кузатилади. Юрак утказувчи тизими фаолияти ва кискариш мароми бузилади. Навбатдан ташкари кискариш (экстрасистоли я) аникланади.	Аксарият - булмача-коринча ва коринча утказувчанлиги бузилади.

14.	Рентгенологик узгаришлар	Импульслар утиши бузилиши блокадага олиб келади. Айрим ҳолларда юрак кузгалувчанлиги и бузилиши тахикардия тарзида намаён булади. ЭКГдаги бундай узгаришлар ҳар иккала хил кардитларда даволагандан кейин ҳам узок муддатга сакланиб қолади. Юрак чегарасининг катталашуви (купрок чап томонга).	Юракнинг уриш камаяди (брадикардия). Иккала коринчалар булмачаларнинг зурлиги белгилари пайдо бўлади. Купроқ холда чуқурлашган пастиқча тишчасининг пастиқча булиши (бу коринчалар орасидаги тусикнинг калинлашуви белгиси) кузатилади.
15.	Эхокардиографик курсаткичлар	Чап коринча бушлигининг кенгайиши, икки табақали копкокчалар етишмовчилиги и белгисини куриш мумкин.	Юрак чегараси унчалиги катталаш-магани ҳолда унинг унги томонга кенгайиши. Чап коринча бушлигининг меъёридан булиши ёки торайиши ҳамда коринчалар оралигидаги ту-сикнинг калинлашуви кайда-қайда кузатилади.

Уткир кечувчи норевматик кардитнинг таъхиси учун эритроцитлар чуқиш тезлигининг ошиши, ок кон таначаларининг купайиши, a_2 ва ?- глобулинлар микдорининг купайиши, ДФА ва С-синамали оксилларнинг купайиши ҳам ахамиятга эга. Касалликнинг бошланиш-даврида (дастлабки 2-3 хафта давомида) конда IgM-нинг ва кейинчалик эса IgG-нинг купайиши аникланади.

Норевматик кардитларни бошка касалликлардан киёсий таъхислашда юракнинг тугма нуксонлари, катта ёшдаги болаларда ревматизм, перикардитлар, юрак усма шишлари ва иккиламчи кардиопатияларни назарда тутиш лозим.

Норевматик кардитларни бошка касалликлардан фаркланш бемор боланинг онаси баён этган шикоятларга, хомиладорликнинг кечишини хисобга олган холда, клиник белгиларга асосланиб, тахлилий ва махсус ускуналар ёрдамида текшириб (ЭКГ, ФКГ, ЭхоЭКГ, рентгенологик) олинган натижаларга асосланган холда утказилади.

Даволаш. Касалликнинг уткир даврида ва у кайталаганда бемор шифохона шaroитида даволаниши лозим. Кейинчалик касаллик кайталанмаслиги учун поликлиника ва оромгохларда муолажа давом эттирилиши керак.

Шифохонада беморга 2-4 хафтагача тулик тинчлик, витаминлар ва оксилларга бой камтуз овкатлар тавсия этилиб, суюклик микдори ҳам бироз чекланиши лозим.

Антибиотиклар (пенициллин ва унинг гурухига кирувчи антибиотиклар 2-3 хафта давомида бериледи, уларнинг кундалик микдори 75-100 000 Б/кг га тенг булиб, кунига 3-4 мартага булиб, мушаклар орасига юборилади.

Уткир кардитлар огир кечаётганда, юрак фаолиятининг етишмовчилиги ривожланганда

глюкокортикоид гормонлар тавсия этилади уларнинг ми
1-1,5 мг/кг (преднизолон хисобига)га тенг булиб,
мобайнида берилади, сунгра аста-секин камай
борилади. Гормонлар билан даволаш яхши натижа бер
холларда унга кушимча равишда делагил (5мг/кг)
индометацин (2,5мг/кг), вольтарен (2-3мг/кг) тавсия этила

Норевматик кардитларни даволашда салицил
(аспирин 0,2г боланинг хар бир ёшига хам яхши на
беради. Улар беморга ичиш учун 1,0-1,5 ой мобай
берилади.

Беморда кон айланиши бузилиши белгилари па
булганда юрак гликозидлари тайинланади: дигоксин - 0,
0,05мг/кг туйинтирувчи микдор ва шу микдорнинг 1/4 -
кисми эса туйинтирилганда олинган ижобий натижани кул
турувчи микдор сифатида кулланилади. Юрак фаолиятини
уткир етишмовчилиги юзага келганда, тез таъсир курсатув
юрак гликозидлари - строфантин ёки корглик
препаратларини секин венага юбориш тавсия этилади.

Беморнинг сийиши камайганда - фуросемид ё
лазикс (1-2мг/кг), верошпирон (1-4мг/кг), урегит(1-2мг/к
берилади. Эуфиллининг 2,4%ли эритмаси боланинг ёши
караб 0,5-1, 0-3,0 мл микдорда, венага, глюкоза - ё
физиологик эритма билан юборилади.

Юрак мушакларида модда алмашинуви яхшила
максадида куйидаги тартибдаги аралашма: глюкозанин
10%ли эритмаси 10,0 мл/кг+панангин 1мл дан боланинг хар
ёшига + хар 4-5 г юборилаётган шакарга 1 бирлик инсулин
0,25%ли новокаин эритмасидан 2-5мл/кг венага томчила
юборилади. Худди шу максадда кокарбоксилаза (5-8мг/кг) хам
тайинланади, рибоксин ? -1 таблеткадан 1-2 ой мобайнида
берилади. Норевматик кардитларни даволаш максадида
анаболик гормонлар (неробол 2-5мг/кг 2-3 марта, 3

мафта давомида, ретаболит – 0,3-0,5мл дан мушаклар орасига (1 ойда бир марта) кулланилади. Анаболик гормонлар билан даволаш 4-6 ойдан кейин қайта тавсия этилади.

Морганьи-Адамс-Стокс синдроми юзага келган бўлса (тулик булмача коринча блокадаси, юрак тампонадаси, бош миёга қон келишининг кескин камайиши натижасида хушдан кетиш, калтирок пайдо булиши ва юракнинг тухтаб қолиши ҳавфининг пайдо булиши ҳолларида), изадриннинг таблеткасидан (?-1 табл.) тил остига қуйиш тавсия этилади.

Уткир қардитларни кечирган болалар педиатр ва кардиолог ҳақимлар назоратида булиб, бу кузатув муддати 2-3 йилга тенг булиши лозим. Сурункали қардит билан огриган беморлар эса ушбу ҳақимлар назоратида 3-5 йилгача булишади. Эмлаш муолажалари уткир қардит билан огриган болаларда 3-5 йилдан кейин кардиолог, иммунолог, алерголог мутахассислар ҳулосасидан кейингина утказилади. Сурункали қардитларни утказган болалар эса эмлашдан бир умрга озод этилади. Болани аста-секин чиниктириш, сурункали юкумли аъмоллар учоқларини даволаш, жисмоний ва маънавий толиқишга йул қуймаслик, овқатланишини назорат қилиб туриш, ҳамда вақти-вақти билан ЭКГ,ФКГ ва қон таҳлилларини қайтариб туриш тавсия этилади.

БАКТЕРИАЛ ЭНДОКАРДИТ

Бактериялар таъсирида юзага келувчи юрак ички қаватининг яллигланиши (эндокардит) жуда оғир касаллик булиб, купгина ҳолларда юрак қопқокчаларида ярачалар ҳосил булиши билан кечади.

Этиологияси ва патогенези. Бактериялар воситасида юзага келуви юрак ички қаватининг яллигланиши – юкумли аъмолларнинг маҳаллий учоқлардан қон ва лимфага утиши натижасида юзага келади. Қон ва лимфага тушган микроблар

юракнинг ички каватига урнашиб, унда ривожланади. Яллигланиш жараёнида юрак ички каватининг юзасида пластинкалари ва фибрин ипчаларида хосил булган тропик бактерияларни коннинг уларни улдириш хусусида сақлайди. Юрак ички каватида иккиламчи микробли (септик) учоклар пайдо булади ва бу иккиламчи учоклардан микроблар кайта тушиб, септик холатни юзага келтиради. Юрак ички каватининг бактериал яллигланишида биринчи инфекция учоги сифатида томок-халқум бодомча безлари, сурункали яллигланиши, кариесга учраган тишлар, урта ва суякларнинг йирингли яллигланиши хизмат қилади мумкин. Касаллик купинча ревматизмнинг асорати юракнинг тугма нуксонлари мавжуд булган холда ривожланади, чунки юракнинг хаёт давомида хосил булган тугма нуксонларининг асорати сифатида юзага келган айлавишининг узок муддатга бузилиши юрак ички каватининг копкокчаларида яллигланиш ривожланиши учун қудай муайян яратлади.

Аксарият холларда бактериал эндокардит бинобарин касалланган болалар конидан стрептококклар топилади. Стрептококклардан ташқари септик эндокардитлар пневмококк, менингококк, бруцелла, сальмонелла ва Лёффлер таёкчалари ҳам чақириси мумкин. Касалликнинг ривожланишида организм реактивлигининг пасайиши ва килувчи ахамиятга эга.

Клиник манзараси. Бактериал эндокардитларнинг клиник белгилари унинг фаоллик даражасига боғлиқ (жадвал 6). Касаллик белгилари эндокардитнинг яллигланиши тромбоземболик асоратлардан келиб чиқади.

Уткир септик эндокардит – септик холатларнинг бинобарин куруниши булиб, купинча стрептококклар гурухи томонида чақирилади. Касаллик уткир бошланади. Бадан харорати жуда

ланд ($39-40^{\circ}\text{C}$) булиб, беморни ваража тутали. Бадан ҳарорати пасайганда эса бемор жуда кўп терлай бошлайди. Бадан ҳароратининг кутарилиши беморнинг ута қувватлилиги, штахасининг йуқолиши, нафас олишининг оғирлашуви, юрак оқсида оғрикнинг пайдо булиши билан кечади. Тери қимтир булиб, унда майда қон қуйилишлар (петихия) пайдо бўлади.

Юрак ва қон томирлари тизимида яққол узғаришлар пайдо бўлади. Томир уриши (пульс) тезлашиб, унинг ритмик ҳолати бузилади, кучи ва таранглиги пасаяди. Уткир кечувчи реңтик эндокардитларда аксарият ҳолларда юракнинг мушак қавати ҳам яллигланади. Юрак чегаралари (айниқса чап қоринча) нинг кенгайиши кузатилади. Эшитиб қурилганда юракнинг товушлари (айниқса 1-товуши) бугик эшитилади.

Юрак чуққисида систолик, аорта ва упка артерияси сохаларида эса систолик ва диастолик шовкинлар аниқланади. Бу шовкинларнинг пайдо булишлари, аорта ва упка артериялари қопқокчаларидаги яллигланиш (вальвулит) билан боғлиқлар. Баъзи пайтларда шовкин ута жарангдор эшитилиб, бу ҳолат яллигланган қопқокчалар ва хордал илчаларнинг ҳаракати нағижасида юзага келади. Қасалликнинг оғир кечиши аксарият ҳолларда юрак фаолиятининг етишмовчилигига олиб келади. Бундай ҳолда беморнинг жигар ва талоги катталашади, хансираш, оёқ ва қулларда итиш, тахикардия, оёқ ва қулларнинг совук булиши, цианоз каби белгилар кузатилади.

Периферик қонда эритроцитлар миқдори ва рангли курсатғичнинг камайиши (гипохромия) аниқланади. Лейкоцитлар сони нейтрофиллар сони ҳисобига кескин қупаяди (1мм^3 да 20 000 ва ундан ҳам кўп).

Бактериал эндокардитларнинг клинчк таснифи (А.А.Дем
1978) Жадвал №6

Касалликни чакирувчи сабаблар	Касалликнинг ривожланиш боскичлари	Касалликнинг фаоллик даражаси	Касалликнинг кечиши
Грамм мусбат бактериялар (стрептостафилококлар)	Инфекцион-токсик боскичи.	Юкори (III)	Уткир кечиши
Грамм манфий бактериялар (ичак таякчалари, кук-йирингли таякча, клибсиелла ва б.к.)	Иммунологик яллигланиш боскичи	Уртача (II)	Абортив
Бактерияларнинг ассоцияцияси: -шаклли, замбуруглар риккетсиялар	Куйи (I)	Сурункали (кайталаб турувчи кечиши)	
Касалликнинг клиник ва морфологик шакли	Асосий зарарланган аъзолар		
Буйракчи (соғлом юрак қопқоқчаларининг зарарланиши)	Юрак томонидан: инфаркт, юрак нуқсонлари, юрак мушак қаватининг яллигланиши, аритмия, юрак этишмовчилиги натижасида едиб-чикувчи қон айланишининг I-III-даражали бузилишлари. Қон томирлари томонидан қон қуйилиши, қон томирлари яллигланиши (васкулит), тромбозмболия.		
Иккиламчи (аввал юрак турма нуқсонлари мавжудлиги натижасида узгаришга учраган қопқоқчаларнинг зарарланиши)	Буйрак томонидан: буйракнинг диффуз яллигланиши, нефротик синдром, учокли нефрит, буйрак инфаркти, буйрак фаолиятининг этишмовчилиги. Жигар томонидан: гепатит, цирроз. Талок томонидан: талокнинг қатталашуви (спленомегалия), инфаркти, талокнинг йирингли яллигланиши.		
	Упка томонидан: зотилжам, упканинг йирингли яллигланиши, инфаркт. Асаб тизими томонидан: менингоэнцефалит, гемиплегия, асаб аъзоларининг йирингли яллигланиши.		

Юрак ички кавати (эндокард) ва қон қончалар
 иллигланиши (вальвулит) натижасида майда тромблар ҳосил
 бўлиб, уларнинг қон орқали бошқа аъзоларга тарқалиши
 натижасида купгина аъзоларда (тери, бош мия, жигар, қўзнинг
 гур пардаси, оёқ ва қўлларнинг қон томирларида) эмболия
 пайдо бўлиш хавфи бор. Флебнит, септик артрит, геморрагия
 каби қон томирларининг зарарланиши билан боғлиқ белгилар
 ҳам септик эндокардит учун хос ҳисобланади, чунки бу
 касалликда организмдаги бутун эндотелий тизими
 зарарланади.

Бактериал эндокардитларнинг ташхиси анча мураккаб
 бўлиб, бунда микроблар мавжудлиги бактериологик усул
 билан аниқланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари
 касалликнинг ташхисини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.
 Бундан ташқари касалликнинг ташхисида септик ҳолат, юқори
 даражадаги токсикоз, юрак томонидан қучли систолик ва
 диасистолик шовкинларнинг эшитилиши, тромбоземболик
 асоратларнинг мавжудлиги ҳам ҳисобга олинади.

Касалликнинг кечиши ута оғир бўлиб, юрак
 етишмовчилигининг ривожланиши, организмнинг захарланиши
 даражаси ва тромбоземболиянинг қайси аъзода
 жойлашганлигига боғлиқ. Касаллик бир неча кундан 2 ойгача
 давом этиши мумкин. Бактериал эндокардит бош мия қон
 томирларининг тромбоземболияси билан асоратланса, ёки у
 билан бир вақтда зотилжам ривожланса, тез орада беморнинг
 улимига олиб келиши мумкин.

Бактериал эндокардитларнинг уртача уткирликда
 кечувчи шаклида касаллик белгилари секинлик билан юзага
 чиқади. Беморнинг умумий ахволи аста-секин оғирлашади, тез
 чарчаш, ҳолсизлик, юрак соҳасида оғрик сезилиши,
 иштаханнинг пасайиши, бадан ҳароратининг вақти-вақти билан
 кутарилиб туриши каби клиник белгилар касалликнинг бу

цакли учун хосдир. Куп холларда бадан харорати субфебрил курсатгичи тусатдан жуда юкори (39-40) даражаларгача кутариб кетиб, бу холат микробларнинг куп микдорда тушиши (бактериемия) билан боғлиқ. Бу хароратининг кескин узгариб туриши пайтида куп беморлар терлаши, ваража кузатилади. Эритроцитларнинг куп микдорда емирилиши ва суяк илиги фаолиятининг пасайиши натижасида беморда камконлик ривожланади. Тери ва шидатли каватлар оқимтир-сарғиш рангга киради.

Бактериал эндокардитлар куп холларда юракнинг тугма ва хаёт давомида орттирилган нуксонлари замини ривожланганлиги учун юрак чуққисида, упка артерияси ва аорта копкокчаларини эшитиш сохаларида шу нуксонлар хос систолик ва диастолик шовкинларни эшитиш мумкин. Икки табакали ва аортанинг яримойсимон копкокчадан айдиқса бактериал эндокардитда купрок зарарланади, юрак чегаралари кенгайди, чунки унинг мушак кавати яллиғланади, бунинг натижасида навбатдан ташқи кискариш (экстраистолия), утказувчанликнинг бузилиши натижасида эса блокадалар хам кузатилади.

Бактериал эндокардитларнинг уртача уткирлик кечишида аксарият холларда тромбоземболик асоратлар кузатиш мумкин. Буйрак, талок, упка, ошқозон-ичак тизими ва бошка ички аъзоларнинг кон томирлари тромбоземболик асоратлар хосил булиши натижасида беморнинг ахволи тусатдан огирлашуви (хушини йукотиш, фалажликлар пайдо булиши, куриш кобилиятининг ёмонлашуви, эмболия пайдо булган аъзоларда кучли огир юрак инфаркти) куриш мумкин.

Аксарият холларда артериал ва вена кон томирлари яллиғланиши натижасида тери, куз конъюнктивасига куйилишлар (Лукин белгиси), кон сийиш, кон кушиш,

чаловский-Румпель-Леде белгисининг ижобийлиги
 арланган тери остида кукумтир-кизгич рангдаги
 унчалар (Ослер тутунчалари) пайдо булади.

Буйракнинг зарарланиши натижасида сийдик
 идида протеинурия, гематурия, цилиндрурия кузатилади.
 Периферик конда оксилларнинг – фракциясининг микдори,
 колдиги, мочевино ва креатинин микдорларининг ошиши
 кузатилади. Рангли курсаткич пасайиши билан кечувчи
 конлик бу касаллик учун хосдир. Эритроцитларнинг
 ми пасайиши (3 000 000 ва ундан кам), улар шаклининг
 риши (пойкилоцитоз) юзага келади. Лейкоцитларнинг
 ми уларнинг ёш шакллари хисобига купаяди (1мм^3 да 15
 – 25 000). Периферик конда катта хажмли лейкоцитлар
 крофаглар ва гистоцитлар)нинг купайиши (Битторф –
 инский белгиси) бу касаллик учун хосдир. Шунингдек,
 бу касалликда эритроцитларнинг чукиш тезлиги ҳам ошади.
 ни микробларга бактериологик текширганда 80% га якин
 ларда стрептококклар топилиши исботланган.

Ташхиси. Беморда бадан хароратининг кутарилиши,
 да патоген микрофлоранинг торилиши, юракнинг тугма ва
 тирилган нуксонларининг мавжудлиги ва катор клиник
 ларга асосланиб, бактериал эндокардитларнинг ташхиси
 кузатилади.

Даволаш. Бактериал эндокардитларни даволаш энг
 до уз вақтида антибиотикларни тайинлашни такозо этади.
 ибиотиклар билан даволашни бошлашдан олдин
 орнинг кинини микробларга бактериологик текшириб ва
 нинг антибиотикларга сезувчанлигини инобатга олиб
 лаш муолажанинг самарадорлигини оширади.

Агар бактериал эндокардитларни стрептококклар
 рганлиги аниқланса, пенициллиннинг юкори микдори
 -300 минг бирлик/кг) тайинланади. Эришилган натижа

унчалик яхши булмаса, пенициллиннинг сунъий бирикмалар, цефалоспориинлар ва аминогликозидлар гурухига кирувчи антибиотиклардан фойдаланиш тавсия этилади. Уларнинг микдорини ҳам одатдагидаң 1,5-2 баробар куп олинади.

Бактериал эндокардитлар стафилококк энтерококклар томонидан чакирилган булса, эритромицин (50мг/кг) ичиш учун ёки мушаклар орасига юбориш у тавсия этилди. Даволаш курсига бир неча антибиотик кетма-кет тайинланиб, улар билан даволаш мухлати 2-3 ойгача чузилиши мумкин, бу даврида беморнинг овқат оксиллар, витаминларга бой булиши, ҳамда камқон даражасига муносиб (ичишга ёки парентерал усулда) тегилиш препаратлари ҳам тайинланиши керак.

Бактериал эндокардитларда яллигланишга карши препаратлар — аспирин (0,2г боланинг хар бир ёшига), брүфен (1,0-2,0мг/кг), метиндол (1-2мг/кг), вольтарен (0,1мг/кг) ҳам тавсия этилади. Касаллик оғир кечаётган холларда киска муддатга преднизолон (1-2мг/кг) тайинланади. Тромбоэмболик асоратларининг олдини олиш учун гепарин (100-200ЕД/кг) тери остига ёки вена ичига юборилади. Бу препарат кон ивишининг курсатгичлари (кон ивиш вақтида тромбоцитлар микдори) назорат килиниб турилиши лозим.

Шифохонада даволаниб чиккан беморларнинг ихтисослаштирилган оромгохларда соғломлаштирилиши кейинчалик участка хакимлари ва кардиологларнинг назоратида 3-5 йилгача доимий равишда булишлари шарт.

Олдини олиш тадбирлари. Бактериал эндокардитларнинг олдини олишда юрак тугма ва орттирилган нуксонлари булган беморларни доимо назорат килиб туриш, асоратларини уз вақтида даволаш ва организмда мавжуд булган сурункали юкумли аъмол учокларини бартараф этиш йули билан амалга оширади.

Оқибати. Бактериал эндокардитларнинг оқибати бирги замон тиббиёт фанининг ютуқларига асосланиб болаганда ва касалликнинг уртача уткирликдаги шаклида 80%гача ҳолларда дарддан тулик форигланиш билан айди. Лекин 1/3 ҳолларда юрак фаолиятининг шимовчилиги юзага келиши натижасида ва тромбоземболик асоратлар кушилганда, жигар ва буйрак фаолияти шимовчилиги, юрак инфаркти, инсуълт каби асоратлар абали улим ҳоллари кузатилиши мумкин.

ПЕРИКАРДИТЛАР

Перикардит – юрак ташки каватининг яллигланиши деб, юрак ва кон томир касалликлари орасида 1% га йинини ташкил этади. Болаларда перикардитлар аксарият ҳолларда юрак, упка ва бошқа аъзолар касалликларининг асорати сифатида ривожланади.

Этиологияси ва патогенези. Юкумли касалликларнинг асорати сифатида келиб чикувчи, юкумли молларга боглик булмаган (асептик) ва сабаби номаълум бўлган (идиопатик) перикардитлар фарқланади. Болаларда перикардитлар аксарият ревматизм, сил касаллиги ва бактериал инфекциялар (стафилококк, менингококк, пневмококк, ичак таёкчалари), ҳамда грипп, коксаки вируслари, замбуругли касалликлар билан боглик ҳолда ривожланади.

Чақалок ва эрта ёшдаги болаларда перикардитлар стафилококкли сепсис билан боглик ҳолда, асептик перикардитлар эса болаларни эмлаш, кон, нур касалликлари, асосли касалликлар билан боглик бўлган ҳолда келиб чиқади.

1) Перикардитларнинг ривожланиш механизми боғлиқ булиши мумкин: кон ва лимфа орқали юракнинг ташки каватига юкумли аъмоллар (бактерия ва вируслар)нинг юракка олиниши натижасида бактерияли ва вирусли

миоперикардитлар юзага келади; 2) микроблар ва бошқа моддаларнинг парчланиши натижасида организм сезувчанлиги ошиб кетиши (гиперергик ҳолат юзага келганда) перикардитга олиб келади; Перикардитларнинг бундай билан ривожланиши кушувчи туқиманинг касалликларида кузатилади; 3) юракка яқин жойда бўлган аъзолар (масалан, сил касаллигида плевранинг яллиғланишидан юқумли аъмолларнинг перикардга утиши) яллиғланишига олиб келади; 4) организмнинг захарланиши (масалан, уремия ҳолати) ҳам перикардит ривожланишига сабаб бўлади; 5) кон томирларнинг яллиғланиши (васкулитлар) перикардит ривожланишига олиб келади.

Касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муҳлатига қараб, олдинма-кейин ривожланувчи кучли ва кучсиз клиникалиги билан кечувчи (экссудатив) ва суюқлик билан кечувчи (фибриноз) перикардитлар фарқланади.

Классификацияси. Перикардитлар курук (фибриноз) ва суюқлик тупланиши билан кечувчи (экссудатив) шаклларга бўлинади.

Перикард бушлигида тупланган суюқликнинг хусусиятига қараб сероз ва йирингли перикардитлар ажратилади. Перикардитлар клиника кечиши жиҳатидан ва сурункали бўлиши мумкин. Перикардитнинг ички ва ташқи каватларининг бир-бирига ёпишиб қолиши билан кечувчи адгезив перикардит дейилади.

Клиника манзараси. Уткир кечувчи курук (фибриноз) перикардит вирусли ёки бактериал касалликлардан ривожланади. Беморда юрак соҳасида кучли оғриқ бўлади. Бола 3-4 ёш ва ундан каттарок бўлса, юрак соҳасида оғриқ мавжудлигини кули билан аниқ курсатади. Юрак

даги огрик доимий булиб, у нафас олиш жараёни ва
 са харакат пайтида кучаяди. Юрак сохасидаги огрик
 ят хёлларда туш суяги оркасига, кукрак кафасининг ун
 гига ва қорин сохасига таркалади. Баъзан юрак
 даги огрикдан ташқари кунгил айнаши, қушиш ва суюк
 нинг пайдо булиши каби белгилар қушилиб,
 ардитнинг ташхисини кийинлаштиради. Курук
 ардитларнинг муҳим клиник белгиси – бу перикард
 ларининг бир-бирига ишқаланиши натижасида ҳосил
 иган шовкиннинг аускультация қилинганда
 олишидир. Бу ишқаланиш шовқини юракнинг қисқариши
 шушалишига боғлиқ булиб, юрак товушлари билан
 нгар ҳолда туш суягининг чап томонида II-IV-қовурга
 гига яхши эшитилади. Перикард қаватлари ишқаланиш
 цининг узига хос хусусияти шундаки, у нафас олиш
 нига боғлиқ эмас.

Перикард қаватлари орасида суюклик тупланиши
 са, ишқаланиш шовқинининг эшитилиши сусаяди ва
 лиши мумкин. Перикард бушлигида суюклик
 анмаганлиги учун фибриноз перикардитда юракнинг
 алари кенгаймайди, юрак фаолиятининг етишмовчилиги
 ланмайди. Юракнинг рентгенологик шакли ҳам
 ишсиз қолади. Қон тахлилида лейкоцитлар миқдорининг
 йганлигини аниқлаш мумкин. ФКГ да перикард
 ларининг ишқаланиш товуши юракнинг иш даврларига
 к будмаган нотугри, ҳар хил тулқинли чизиклар холида
 ёён булади. ЭКГда Т-тишчанинг салбий ёки икки даврли
 б ёзилиши аниқланади.

Уткир, перикард қаватлари орасига суюклик
 наниши билан кечувчи (экссудатив) перикардит, фибриноз
 кардитнинг давоми сифатида ёки бирламчи ҳолда юзага
 ши мумкин. Қасалликнинг бу шакли жуда огир кечади.

Унинг клиник белгилари тупланган суюкликнинг микдор хусусиятига боғлиқдир. Перикард каватлари ор суюкликнинг куп микдорда тупланиши бемор ахвол огирлашуви, юракнинг сикилиши (тампонадаси) ва фаолиятининг етишмовчилигига олиб келади. Нафас огирлашиб, тери куқимтир-окиш тусга киради, вена томирлари буртиб чиқиб, кул ва оёқларнинг бармон кукаради, жигар катталашади, организмда (оёқларда, қоринда) шиш пайдо булади. Юрак соҳасидаги ковурагалар оралик силликлашган, каттарок ёшдаги беморлар утирган ёки томонини кутариб куйган ҳолда булишини афзал куради. Нафас олиш жараёнида куқрак кафасининг чап томони бу орқада қолиши сезилади. Баъзи беморларда товуш хириллаши ва хикичок тутиши белгилари пайдо булади.

Юрак чуққиси ва асосининг харакати сезилма унинг чегаралари кундалангига кенгайганлиги (мутлок нисбий чегараларнинг бир-бирига яқинлашуви) аниқлана. Юрак товушлари жуда бугик эшитилади, агар суюк перикард бушлигида ута куп булса, юрак товушлари умун эшитилмаслиги мумкин. Артериал систолик кон босим пасайган, диастолик кон босими эса одатдагидек булиб, айр холларда у ҳам пасаяди. Перикардитда баъзан нафас рж жараёнида пульсининг йуқолиши — «пародаксаль пу кузатилади. Беморни утирган ёки урнидан турган ҳол эшитилса (перикард ичидаги суюкликнинг асосан паст соҳада тупланганлиги сабабли) перикард каватларини ишқаланиш шовқинини эшитиш мумкин. Қасоалик ташхиси аниқлашда ЭКГдаги узгаришлар: R- тишчаларнинг ута па булиши, T-тишчанинг ва S-T ораликнинг салбий булиши белги ҳисобланади. Шунингдек рентгенологик узгаришлар аниқлаш (юрак соясининг кенгайиши ва юрак харакатини сусайиши) перикардит ташхисини куйишда муҳим аҳамиятга

Эхокардиография усули билан перикард бушлигида анган суюкликни аниклаш мумкин. Юрак тампонадаси билари кучайса, йирингли перикардитларга шубха тугилса, перикард бушлигини пункция қилиш эҳтиёжи тугилади. Бу йир муолажа ва ташхисий аҳамиятга эга. Пункция қилганда суюклик микдори, унинг хусусияти, таркиби, микроблар кучдиги ва уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниклаш учун бир йула текшириш имконияти тугилади.

Экссудатив перикардитларда периферик қондаги лейкоцитлар — эритроцитлар чуқиш тезлигининг ошиши, лейкоцитоз, нейтрофиллёз кузатилади.

Йирингли перикардитлар юқбри даражадаги сепсис, хароратнинг ута баланд булиши ва ваража (перикардит) билан кечади. Гудак болаларда йирингли перикардит аксарият холларда сепсис, упка туқимасининг филококкли деструкцияси натижасида, катта ёшдаги болаларда эса купинча уткир гематоген остеомиелит билан боғлиқ холда ривожланиб, юрак соҳасида огрик, юрак қон тоқимасининг олиятти етишмовчилиги белгилари билан кечади. Йирингли перикардит тахмин этилганда перикард бушлигини барвақт пункция қилиш тавсия этилади. Бундай беморлар периферик қонда лейкоцитоз, нейтрофиллёз, эритроцитлар чуқиш тезлигининг ошганлиги аникланади.

Ревматизм жараёнида хам касалликнинг 1-2 стадиясида сероз экссудатив плеврит ривожланиши мумкин, лекин суюклик микдори одатда юрак тампонадаси ривожланадиган даражага етмайди. Аёнки, бир вақтда перикардининг ички, мушак ва ташқи қаватларининг яллигланиши (перикардит) оғир кечади. Касаллик ташхисини аниклашда ревматизмга хос булган юрак ва бугин тизими, ички органлардаги узгаришлар, қон таҳлилидаги курсаткичлар, ЭКГ, ЭКГ ёрдамида олинган натижалар, рентгенологик курсаткичлар катта аҳамиятга эга.

Сил касаллигидан кейин келиб перикардитлар болаларда купрок учрайди. Сил ка перикард зарарланишининг икки тури кузатилади: ю каватининг сил касаллигидан кейин келиб чикувчи яллигланиши ва юрак ташки каватининг сил касаллигидан бевосита зарарланиши.

Касалликнинг биринчи хилида перикард орасида сероз суюклик тупланиши, иккинчи турида перикард каватларида сил тугунчалари хосил булиши кузатилади.

Сил касаллиги кузгатувчиси чакирган перикард юрак сохасида унчалик кучли булмаган огрикнинг кафасининг чап томонига таркалиши, юрак фаолиятининг етишмовчилиги ва кон айланишининг бузилиши билан хосил бўлиши кузатилади. Касаллик ташки каватларида силни исботловчи туберкулин синамаларида натижаси ва бошка аъзоларнинг сил билан зарарланганлигини аниқлашда эътиборга олиш катта ахамият касб этади.

Асептик (микрофлорасиз) перикардитлар болаларда профилактик эмлашлар ва организмга витаминдориворлар (новокаинамид, гидролизин) юборганда перикард юзага келиши мумкин. Касалликнинг ташхисини аниқлашда баъзи аллергик холатлар (терида аллергик тошма пайдо булиши, бугинларнинг яллигланиши, хароратининг кутарилиши ва периферик конда эозинофилиянинг юзага келиши ёрдам беради.

Жароҳатлардан кейин келиб чикадиган перикардитларда ҳам асептик булиб, клиник жихатдан кардиоперациясидан сунг кузатиладиган белгилар мажмуида кузатилади. Бу хил перикардитларда, перикард каватларида, кон махсулотларининг ивиши ва чандикланиши кузатилади. Фаолиятининг етишмовчилигига олиб келади.

Уремик перикардитлар сурункали буйрак
 дисларининг охири боскичида юзага келади. Унинг
 к белгиларидан перикард каватларининг
 нишидан келиб чикадиган шовкиннинг эшитилишига
 ай, юрак соҳасида огрик булмаслиги ва перикард
 гида кам микдорда суюклик тупланишини айтиб утиш
 ин. Лекин уремия пайтида перикардит кушилса,
 онинг умумий ахволи огирлашади ва у тез орада халок
 ши мумкин.

Юкорида кайд этилган перикардитлардан ташкари
 вчи тукуманинг тизимли касалликлари (тизимли кизил
 ик, дерматомиозит, склеродермия, тугунчали
 артерит, ревматизмсимон артрит) да хам перикардитлар
 тилиши мумкин. Бу хилдаги перикардитларнинг
 кболи асосий касалликнинг кечишига боглик булади.

Кон ва усма касалликларидан кейин келиб чикувчи
 кардитларда тупланган суюклик купинча кон аралаш
 ши билан таърифланади. Юрак етишимовчилги
 тиларининг кучайиши натижасида беморнинг ахволи
 олашиб, тез орада халок булиши мумкин.

Даволаш. Перикардитни даволаш этиотроп булиб,
 аввало асосий касалликни даволашга каратилган булиши
 ак. Курук (фибриноз) перикардитда аналгетиклардан
 карари махсус даволаш чоралари талаб этилмайди.
 судатив перикардитда эса даволаш чоралари уз ичига
 биотиклар, яллигланишга карши препаратлар, томир
 ори, утказувчанлигини муътадилловчи препаратлар, ута
 увчанликни камайтирувчи моддалар, шу жумладан
 днизолон, диуретиклар қабиларни олади. Юракнинг уткир
 мпонадаси ва йирингли перикардитларда суюклик микдори
 п булганда перикард бушлиги пункция килиниб, олинган
 юклик микрофлоралар мавжудлигига хамда уларнинг

антибиотикларга сезувчанлигига бактериологик устакширилади. Бунда перикард бушлигига найча куйиундан вакти-вакти билан антисептик моддалар антибиотиклар юбориб турилади. Огир холда перикардиотомия килинади.

Йирингли ва сил касаллигидан кейин келиб чиқади перикардитларда глюкокортикоид гормонлар кулланыла ёрамайди: чунки улар юкумли аёмолларнинг органика таркалиши учун имконият яратади. Глюкокортикоид гормонлар асосан вирусли, ревматизм ва коллаген касалликларидан кейин келиб чиқадиган перикардитлар кулланылади. Перикардитларни даволашда яллигланган карши ностероид дорилар (вольтарен, метиндол) ни куллаган тавсия этилади.

Сийдик хайдовчи дорилар (лазикс, фуросемид), молекулаларини яхшиловчи дорилар (кокарбоксилаза, АТФ-рибоксин вит «С»), юрак сохасида огрикни камайтирмак садида анальгетик препаратлар (анальгин, баральгин) аллергик жараёни камайтириш учун антигистамин препаратлар (димедрол, фенкорол ва б.к) тавсия этилади.

Беморда юрак фаолияти етишмовчилиги кузатилаётган холларда эса юрак гликозидлари кулланылади (строфантин, коргликон, дигоксин ва б.к).

Сурункали перикардитлар. икки куринид перикард бушлигида суюклик тулланиши (сурункали экссудатив перикардит) ва перикард каватларининг бирига ёпишиб колиши (сурункали адгезив перикардит) эса юракни сикиб куядиган, юракни сикиб куймайдиган перикард каватлари оркасида тузлар тулланиб колиши натижасида унинг ута калинлашиб, каттиклашиб совутсимо шаклга кириши билан кечувчи турларга булинади.

Сурункали перикардит болаларда аксарият сил саллигида ривожланади. Бундай перикардитларда суюқлик перикард бушлигида ойлар ва хаттоки йиллар давомида янгилаши мумкин. Касалликнинг бошланиш даврида бемор юрак соҳасида нохуш сезги, нафас сикилиши, тез чарчаш биларга шикоят қилади. Бундай перикардитлар бадан жараҳатларнинг меъеридан кутарилмаслиги билан кечиши мумкин.

Кукрак кафаси куриқдан утказилганда, юрак соҳасининг бироз буртиб чиқиши, юрак чегараларининг кенгайганлиги, лекин шунга карамадан юрак тампонадаси белгиларининг йуқлиги аниқланади. Агар беморда юрак тампонадаси белгилари (юрак уришининг тезлашуви, қўнғинлашуви, жигар ва талокнинг катталашиви, шиш пайдо бўлиши) топилса, перикард бушлигини пункция қилиш эҳтиёжи туғилади.

ЭКГда QRS мажмуасининг жуда пакана бўлиши, Т-тоғининг манфий бўлиши аниқланади. Рентгенологик текширишда юрак сояси трапециясимон шаклга эга бўлиб, юрак хажмининг катталашганлиги (кардиомегалия) кузатилади.

Касаллик тапхисини аниқлашда эхокардиографиянинг ахамияти катта бўлиб, бу усул билан перикард каватларининг ҳолати, унинг бушлигида суюқлик мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Перикард бушлигини пункция қилишга эҳтиёт бўлиш лозим, чунки меъеридан зиёд суюқлик сикариб юборилса, декомпрессион эффект (периферик кон томирлардан юракка қанқисқа муддат ичида қуп микдорда кон келиши натижасида унинг янада кенгайиви ва хаттоки қутилмаганда тухтаб қолиши) хавфи мавжуд. Одатда перикард бушлиги туш суягининг чап кирраси IV-III — қовургалар оралигидан маҳаллий огриксизлантириш остида пункция қилинади.

Адгезив перикардит сурункали перикардит юракни сиқиб қўймайдиган шакли уткир перикардитла кейин ёки сурункали ҳолда бирламчи ривожланиши мумкин. Унинг клиник белгилари қўп вақтлар давомида қўпчиликмаслиги мумкин, лекин жисмоний зуриқишда бора-бора юрак уришининг, нафас олишининг тезлашуви ва оғирлашуви юрак соҳасида енгил утиб кетувчи оғрикнинг пайдо бўлиши билан ифодаланади.

Бунда юрак гликозидлари ҳамда юракда мўл алмашинувнинг яхшиловчи дорилар (какорбоксилаза, АТФ-рибозин, панангин) ни тайинлаш яхши натижа беради. Эхокардиография ва рентгенографияда касалликка хос белгилар (перикард қаватларининг қалинлашуви ва бирига ёпишиши, қоринчалар пульсациясининг сустлиги ёки умуман аниқланмаслиги) кузатилади. Касалликнинг ташхис клиник ва параклиник текширишлар натижаларига асосланиб қўйилади.

Констриктив перикардит болаларда қўп учраб уларнинг келиб чиқиши вирусли, бактериал юқумли аъмоллар ва перикарднинг жароҳатланиши билан боғлиқлар. Бундан ташқари сил касаллигидан кейин ҳам бу хилдаги перикардитлар ривожланиши мумкин. Шунинг учун боланинг ёшидан қатъий назар бу хилдаги перикардит ривожланиши мумкин. Шунинг учун боланинг ёшидан қатъий назар бу хилдаги перикардит ривожланганда сил касаллигига текшириш лозим.

Констриктив перикардитда қўп айланишининг бузилишига асосий сабаб юрак бушлиқларининг (қоринча ва булмачалар) бушалиш босқичида қўп билан тулмай қолишидир (юрак қоринчалари гиподиастолик синдромининг пайдо бўлиши). Касалликнинг клиник белгилари узок муддат ичида қўзга тақланмаслиги мумкин. Дастлабки клиник белги

фатида жигар катталашади. Юракнинг констриктив ҳолати ҳолса, жигар асли холига келади. Бу касалликда жигар билан бир вақтда талокнинг катталашуви, буйин йирик кон вениларнинг буртиб чиқиши, веноз кон босимининг жуда баланд (250мм.с.м.устуни) булиши кузатилади.

Констриктив перикардитга хос клиник белгилардан на бири организмда шиш пайдо булишидир. Шиш синдроминанинг келиб чиқиши кон айланишининг бузилиши билан боғлиқ булиб, бунда сийдик хайдовчи дорилар киска муддатли натижа беради. Корин бушлигида йирилган суюқлик функция килиб олинса, беморнинг аҳоли анча енгиллашади, лекин олинган суюқлик миқдориде оксил моддаси диукотилиши туфайли шиш синдроми янаде кучайиши мумкин. Шиш синдроми билан бир пайтда юз, куллар, кулоклар ва тана терисининг кукариши янаде кучаяди. Нафас олишининг огирлашуви констриктив перикардитда орта боради. Агар перикардитдан ташкари плеврит ҳам ривожланса, беморнинг аҳоли янаде огирлашади. Юрак чегаралари катталашганлигига карамасдан, курак кафасининг юрак сохаси буртиб чиқиши кузатилмайди. Юрак уришининг товушлари одатдагидек булади, айрим холларда улар бироз бугиклашуви мумкин. Бу касалликда юрак чуқкисиде III-патологик товуш эшитилиши мумкин. Бу III-товуш «перикард товуши» дейилиб, девор каттиклашган перикардитнинг сиртки каватига чап коринчанинг урилиши натижасиде хосил булади. Бундан ташкари перикард каватларининг ишкаланиш шовкини ҳам эшитилиши мумкин. Айрим холларда табакали копқокчаларнинг булмача томонига кайрилиши натижасиде келиб чикувчи систолик шовкин ҳам эшитилади. Бу шовкинни эхокардиография усулида тасдиқласе булади. Беморда парадоксаль пульс пайдо булади.

ЭКГда тишчаларнинг волттажи сакланган, бироз баландлашган, учи уткир «Р» тишчанинг булишини кузатиш мумкин, бу белги хар иккала булмача зурикиб ишлашидан дарак беради.

Рентгенологик текширишлар ёрдамида к хажмининг узгармаганлиги, плевра бушликларида би суюкликнинг мавжудлиги, плевра-перикард ва перикар диафрагмал чандикларнинг мавжудлиги, юрак харакатчанли даражаси, унинг кискариш кобилиятининг сусайиши кузатиш мумкин. Эхокардиографияда перикардитни калинлашгандиги аникланади.

Констриктив перикардитларни жигар цирроз дарвоза венасининг гипертензияси, норевматик кардитлар гликогенозлардан **фарқлаш** керак.

Сурункали перикардитларни даволашни уларни келтириб чиқарган асосий касалликлар (сил, ревматизмсимон артрит ва б.к) ни даволашдан бошлаш, шунингдек яллигланишга карши препаратлар, сийдик хайдовчи дорилар, кислород бериш, жисмоний зуриқишнинг олдини олиш, тузли овкатларни камрок истеъмол килиш ва калий препаратларини тайинлаш тавсия этилади. Гипопротеинемия холати кузатилаётган холларда плазма, оксил препаратлари тайинланади. Сурункали перикардитларни даволашда юрак гликозидларини куллаб турувчи микдорда бериш мақсадга мувофикдир. Юрак тампонадаси белгилари кучайса, оператив усул, яъни перикардотомия килиш тавсия этилади. Операциядан кейин юрак хажм жихатидан катталаниши мумкин, шунинг учун юрак мушакларида модда алмашинувини яхшиловчи дорилар (какорбоксиллаза, вит С, рибоксин, АТФ) тавсия этилади.

Перикардитларнинг махсус олдини олиш чаралари
 дук, лекин уларнинг ривожланишига сабаб булувчи
 касалликларни вақтида ва тугри даволаш бу хасталиклар
 олдини олишда катта аҳамият касб этади.

ҚОҢ ТОМИРЛАР ДИСТОНИЯСИ

Дистония — Қон томирлари таранглиги
 доимийлигининг узгариши натижасида артериал қон
 босимининг кутарилиши (гипертония) ёки пасайиши
 (гипотония) билан таърифланувчи ҳолат бўлиб, марказий асаб
 тизими томонидан томирлар таранглигининг бошқарилиши
 бузилиши натижасида келиб чиқади.

Қон томирлари таранглиги таранглиши 10% га
 яқин бўлиб, улар орасида гипертоник турли дистониялар
 кўпроқ тарқалган. Дистониялар барча ёшдаги болаларда
 кузатилиши мумкин, лекин улар аксарият балогатга етган
 ёшда ҳамда усмирлар орасида кўпроқ кузатилади.
 Дистониялар аксарият ҳолларда марказий асаб тизими
 фаолиятининг бузилиши билан кечиб, мактаб уқувчиларининг
 уқув жараёнига мослашиши, иш фаолияти ҳамда келажакда
 касб танлаши ва ҳарбий хизматга яроклилигига салбий таъсир
 этади. Қоң томирлар дистонияси билан хасталанган
 болаларнинг 30% га яқинида кейинчалик гипер- ёки
 гипотоник касаллик ривожланади.

Этиологияси. Қон томирлар дистонияси
 полиэтиологик касаллик бўлиб, унинг сабаблари сифатида
 атроф муҳитнинг таъсири, ирсий мойиллик ва турли
 патологик ҳолатларни келтириш мумкин. Эрта ёшдаги
 болаларда дистониялар одатда иккиламчи тарзда ривожланиб,
 бу ҳолатга постгипоксик энцефалопатиялар, конституциялар
 аномалиялари, оғир, кечувчи юқумли касалликлар,
 эликролитлар балансининг бузилиши олиб келади. Катта

ёшдаги болаларда эса дистониялар асаб ва эндокрин тизимининг фаолияти бузилиши натижасида ривожланади.

Патогенези. Аксарият холларда дистоник холатлар нейроэндокрин бошқаришнинг қайта қурилиши ва интенсив уеиш даврида, яъни киз болаларда 12-14 ёшда, угил болаларда эса 13-15 ёшда пайдо булади. Хозирги замон болаларига хос булган акселерация жараёни айрим аъзолар ва тизимлар етилишининг гетерохронизмини кучайтиради. Жумлада юрак ва йирик томирлар усиши орасида, магистрал кон томирлар ва капиллярлар усиши орасидаги муқобиллик бузилади. Бу даврга хос булган бош миyanинг пустлок ва пустлок ости қисми фаолиятининг дискоординацияси вегетатив асаб тизимининг бир қисмининг (симпатик ва парасимпатик) вақтинчалик устуңлигига олиб келади. Айни шу пайтда организмнинг ирсий ва оилавий хусусиятлари хос енгилгина юзага чиқади.

Гипертоник турдаги дистониялар – инсониятнинг мухим ижтимоий муаммоси булиб, купгина холларда барвақт улим ва мажрухликка олиб келади. Юрак мушакларининг қон билан етарлик таъминланмаслиги (ишемия) қасаллиги хос айнан қон босими юкори булган кишиларда кузатилади.

Қон томирлар таранглигининг ошиши – гипертоник аксарият буйрак қасалликлари, эндокрин безлар қасалликларининг белгиси булса хам, бир қатор холларда юкори босим улар билан боглик булмаган холда келиб чиқади. Мана шундай гипертония алохида нозологик бирлик эссенциал генин гипертония деб юритилади.

Соғлом кишиларда қон томирларининг таранглиги доимо маълум холатда сақланиб туради. Бу вазифани бош миyада жойлашган марказлар бошқариб туриб, шунингдек қон томирлар таранглиги уларнинг деворида жойлашган рецепторлар фаолиятига, қоннинг қимёвий таркибига,

симпатик ва парасимпатик асаб тизимининг мувозанатига ҳам боғлиқдир. Кон томирлари таранглиги бузилишининг кон босими ошиши билан кузатиладиган шакли куйидаги ҳолларда кузатилиши мумкин: а) бирор касалликнинг белгиси сифатида; б) кон босимининг вақтинча ошиши (транзитор); в) алоҳида касаллик сифатида кон босимининг муқом ошиши.

Жадвал 7.

Кон босими ошиши касаллигининг таснифи
(Н.А.Белоконь, 1987)

Ривожланиш-боскичи	Шакли	Кечиш турлари	Касалликнинг белгиси сифатида кон босимининг ошиши
1. Функционал узгаришлар	Систолик (систолик кон босимининг ошиши)	1. Тез ривожланувчи	Бўйрак касалликлари
2. Органик узгаришлар ривожланишининг бошланиши	Диастолик босимнинг ошиши	2. Секин ривожланувчи	Кон айланиши бузилиши
3. Тукима ва аъзоларда органик узгаришлар ривожланган боскичи	Систолик ва диастолик босимнинг бир вақтда ошиши	3. Бир хилда сақланган ҳолдаги кечиши	Ички секреция безларининг касалликлари
		4. Кайта тикланиш даври	Марказий асаб тизими касалликлари

Кон босимининг кутарилиши касаллигининг уч боскичи ажратилади:

I-боскичида 25% болаларда субъектив сезгилар кузатилмайди. Улар уйқунинг бузилиши, инжиклик, мактабда тез чарчаш, хотиранинг пасайиши, бош айланиши, узлаштиришнинг пасайиши каби доимий булмаган шикоятларни келтиришлари мумкин. Бундай беморлар тоза

хавода сайр килинса ёки киска муддатта дам олинса, уш шикоятлар йуқолади. Болани куриқдан утказганда систолик босимнинг бироз кутарилганлиги (150мм сим. устунигача) диастолик босимнинг одатдагидек булиши марказий аритмизими томонидан кул ва оёқларда титраш, рефлексларининг ошганлиги, юрак-кон томирлар тизими томонидан унчалик кучли булмаган тахикардия ё брадикардия, юрак товушлари жарангдорлигининг узгарishi ва функционал шовкин эшитилади. Касалликнинг боскичида «неврологик» шикоятлар анча камаяди, лекин юрак сохасида огрик, юрак уруши сонининг купайishi хансираш пайдо булади, систолик босим 150-160 мм. сим. устунигача кутарилиб, баъзан диастолик босимнинг хансираш кутарилиши (85-100 мм. сим. устунигача) хам кузатилади. Кутарилишидаги артерияларнинг кискариши вена кон томирларининг аксинча кенгайishi аникланади. Айрим холларда юрак чегараларининг чапга кенгайishi, ЭКГда чап кориниш гипертрофияси ёки электрик фаоллигининг ошиши, электрик систолянинг узайishi пайдо булади.

Касалликнинг III-боскичида систолик кон босим тургун кутарилган булиб, диастолик босим хамма вақт хансираш ошган булавермайди. Юракнинг бушалиш курсаткичлар пасаяди. Касалликнинг II-боскичига хос булган белгиларга кон томирлар етишмовчилиги (кризи) хам кузилади.

Кон томирлар гипертоник кризи тусатдан ёки даракчи белгилардан сунг (бош огриги, безовталиқ, юрак сохасида нохуш сезги) келиб чикади. Кризнинг асосий белгиси бир неча соатдан бир кеча-кундузгача давом этувчи пешона, тепа ва энса сохасидаги кучли бош огриши булиб хисобланади. Бундан ташкари беморлар чека сохасидаги томирлар пульсацияси, кулоқларнинг шангилаши, кул олдининг коронгилашуви, кунгил айниши, кулницга шикоят килишади.

Артериал кон босими кескин кутарилиб, 180/100 мм уст. ва ундан ҳам баланд булиши мумкин. Босимнинг пилиши вегетатив узгаришлар (юз терисининг кизариши, терлаш, оёк ва кулларнинг совуши) билан кечади.

Кон босимининг пасайиши билан кечувчи тониялар ҳам уч боскичда кечади. Бу турдаги тонияларнинг келиб чикишига сасаб: а) бирламчи кон босимининг пасайиши; наслий-конституционал ёки физиологик кон босимининг пасайиши; сурункали артериалликлардан кейинги кон босимининг пасайиши (проциркулятор дистония); б) иккиламчи кон босимининг пасайиши (Адиссон касаллигидан кейин; калконсимон касаллигининг фаолияти сусайганда, конда шакар микдорининг пасайиши холларида, жигар циррози, уткир ва сурункали яғмур яллигланишида, камконлик касаллигида) булиши мумкин.

Касалликнинг I-боскичида айрим болаларда қолсизлик, тез чарчаш, йиглокилик, иш қобилятининг пасайиши, инжиқлик кузатилади. Бош оғриги, бошнинг айланиши белгилари пайдо булади. Бу шикоятлар бемор дам олганда йуқолади. Бундан ташқари терининг оқариб туриши, терининг ости соҳасининг қуқимтир тусга кириши, кул-оёқларнинг суғуриши каби белгилар ҳам кузга ташланади. Систолик босим пасайиши касалликнинг бироқ пасайган (100 мм сим устунига), систолик кон босими эса узгармаган.

